

**4 - мавзу. Қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларидан сабзаётларни  
йиғиштириш ва дастлабки қайта  
ишлашни механизациялаштиришнинг  
аҳамияти ва ривожлантириш  
истиқболлари**

**Режа:**

**1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан  
сабзаётларни йиғиштириш ва дастлабки қайта  
ишлашни механизациялаштиришнинг  
аҳамияти.**

**2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини  
йиғиштириш машиналари.**

**Адабиётлар.**

# Мавзу бўйича билим савиясини баҳолаш

## Тушунчалар

*Сабзавотларни  
йиғиш усуллари,  
меҳнат сарфи,  
механизациялаш  
даражаси, техника  
хавфсизлиги.*

## Назорат саволлари


1. Картошкани йиғиштириш ишларига қандай агротехник талаблар қўйилади?
2. Нима учун эрта пишар сабзавотлар асосан қўлда териб олинади?
3. Механизациялаштиришнинг **асосий мақсади** нимадан иборат?

Биламан (дарс бошида ёзилади)	Билишни хоҳлайман (дарс бошида ёзилади)	Билиб олдим (дарс охирида ёзилади)

## Картошка йиғиштириш машиналари

Республикамизда картошка ҳосилини йиғиштиришда маҳаллий шароитга мосланган технологиядан фойдаланилади, унда, асосан оддий ковлагич ёки йиғиштириш машиналари қўлланилади. Картошка ковлагич ва йиғиштириш машиналарнинг ковлаб-элагич ишчи қисмлари картошкаларни тупроғи билан ковлаб оладиган лемех ва картошка тупроқдан қисман ажратувчи (сепарацияловчи) қисмлардан ташкил топган.

Картошка ҳосилини йиғиштириб олиш машаққатли иш бўлиб, у картошка етиштириш учун сарфланадиган харажатларнинг 45...60% ни ташкил этади.



**Тугунакларни жойлашиши; а-жойлашув диаметри; н-эгат юзаси билан энг пастки тугунак орасидаги масофа; б-эгат оралиғи**

Бир туп картошкада 20 донагача тугунак бўлиб , массаси бир килограммгача етади.

Машинада картошка ҳосилини йиғиштиришда кетма-кет қуйидаги ишлар бажарилади: тугунакларни ковлаш, тугунакларни тупроқдан тозалаш (сепарациялаш), тугунакларни картошка палагидан ажратиш, ажратилган палакни чиқариб ташлаш, тугунакларни тошлардан ажратиш, тозаланган тугунакларни тўплаб юклаш.Баъзида ҳосилни йиғиштириб олишдан илгари палаклар ўриб олинади ва четга чиқариб ташланади.

## Картошкани машина билан йиғиштиришни асосан уч усули мавжуд:

- картошка ковлагичлар билан ковлаб олиниб, майдон юзасига чиқариб ташланади, кейин эса қўлда териб олинади;
- картошка ковлагичларга тозалаш столлари жиҳозланган тиркамалар тиркалиб, ковлаб олинган картошка тозаланиб, қопланади;
- картошка комбайн ёрдамида қўл меҳнатисиз йиғиштирилади.
- **Комбайн билан йиғиштириш усули ҳам уч босқичда амалга ошириш мумкин:**
- комбайн ёрдамида бир йўла йиғиштириш;
- комбайн ёрдамида бўлиб (кўп фазали) йиғиштириш;
- комбинациялашган ҳолатда.


Картошкани бевосита комбайн ёрдамида йиғиштирганда комбайн бир йўла картошкани ковлаб, териб ва тозалаб транспорт воситасига ортади.

Комбайн билан бўлиб йиғиштирганда эса аввалига тугунаклар картошка ковлагич ёрдамида ер юзасига уюмлаб ташланади, сўнгра унинг сирти қисман қуригач, комбайн билан териб олинади. Бу усул тупроқ намлиги меъёридан ортиқ бўлган майдонларда қўлланилади.

Оддий ковлагичлар тугунакларни ернинг устига чиқаариб кетади. Кейин эса ишчилар кўринган картошкани қўлда териб олишади. Бу усулни қўллаганда ҳосилнинг қарийб 30% гача бўлган қисми тупроқ остида қолиб кетиши мумкин.




## КСТ-1,4 русумли картошка қавлагичнинг умумий кўриниши



1-ишлов бериш чуқурлигини созловчи ғилдирак, 2- лемехлар, тез айланувчи элеватор, 4-асосий элеватор, 5-каскадли элеватор, 6- юриш ғилдираги, 7- қўват олиш вали, 8- рама

# Картошка кавлайдиган тиркама комбайнни иш жараёни





## Сабзавот йиғиштиришни механизациялаш.

Меваларни пишиб етилиши қуйидаги даврларига бўлинади:

1. Истеъмол қилиш учун ярайдиган даражадаги етилиши.
2. Теримбоп бўлиб етилиши.
3. Техник етилиши.
4. Физиологик етилиши.


Истеъмол қилиш учун ярайдиган даражадаги етилишда нормал **биологик** етилиш жараёни тугалланиб, улар тўла пишиб етилиб, ўз навига **мос маза, ҳид, ранг ва эт** ҳосил қилади. Шу даврда уларни териб олинмаса, уларнинг сифати пасаяди ва бузила бошлайди.

**Физиологик** етилишида сабзавотларнинг уруғлари тўла етилган бўлиб, зарур озик моддаларни тўплаган бўлади.

Уруғли сабзавотлар етилиш вақтига қараб **баҳорги, ёзги, эрта кузги, эрта қишки** навларга ажратилади.



- Кўпчилик сабзаёт экинларининг ҳосилини йиғиштириб олиш қисман **механизациялаштирилган**. Бунинг асосий сабаби уларнинг ҳосилини бир вақтда пишиб етилмаганлиги ҳисобланади. Айниқса, **эртапишар бодринг, помидор, карам** ва бошқа сабзаётларнинг ҳосилини бир неча марта танлаб қўлда, машина ёрдамида териб олишга тўғри келади.
- Бу усулда технологик жараённи амалга ошириш махсус **платформалар** ёрдамида бажарилади.
- Ҳосили бир вақтда пишадиган **помидор, карам, сабзи, пиёз каби сабзаётлар** эса махсус комбайнларда йиғиштириб олинади ва чиқиндилардан тозаланиб, транспорт воситасига юкланади ҳамда сақлаш жойларига жўнатилади.

- МСК-1 карам йиғиш маинасининг технологик схемаси






# Сабзи йиғиш Е-825 комбайннинг технологик схемаси





# СКТ-2 маркали ўзиюрар помидор йиғиш комбайинни технологик схемаси



# Назорат саволлари

- 1.Картошка ковлаб олишнинг қандай усуллари биласиз?
- 2.Картошкани йиғиштириш ишларига қандай агротехник талаблар қўйилади?
- 3.Картошкани йиғиштириб олиш қандай ташкил этилади?
- 4.Картошка ковлагичнинг турлари ва унинг асосий қисмларини айтинг.
5. Нима учун эрта пишар сабзавотлар асосан қўлда териб олинади?
- 6.Сабзавотларни териб олишда қандай машинадан фойдаланилади? Унинг асосий қисмларини айтинг.

**Диққат!**  
**Ёзиб олинг ва эслаб**  
**қолинг!**

**Ҳар қандай соҳа ишларини**  
**механизациялашдан асосий мақсад -**  
**меҳнат унумдорлигини кескин**  
**ошириб, бажариладиган иш ёки**  
**олинадиган маҳсулот таннарҳини**  
**пасайтиришдан иборат**  
**бўлиши керак**